

## “Қурилиш машиналари” фанидан олимпиядаси

ТИҚХММИ “ГИМ” факултети деканининг 17.04.2021 йилдаги “Факултет талабалари ўртасида Республика фан олимпиадасининг 1-босқичини ўтказиш” тўғрисидаги 52/Ф - сонли фармойишини бажариш учун кафедрада ўтиладиган “Қурилиш машиналари” фанидан олимпияда ўтказилди. Фармойиш бўйича “Қурилиш машиналари” фанидан олимпияда ўтказиш бўйича раис: дотс. И.Худайев, аъзолар: Ф.Бекчанов, М.Каримов, А.Атажанов, Л.Бабажановлар масъул бўлишди.



Фан олимпиядаси 23.04.2021 йил соат:14:00 да Г-317 да ўтказилди. Фан олимпиядасининг 1-босқич натижаларига кўра Тохиров Шарифжон Умар ўғли (30 балл) 1-ўринни, Абилов Юсуфжон Фозил ўғли (28 балл) 2-ўринни, Ражапов Шамсиддин Комилбой ўғли (26 балл) 3-ўринни эгалади. Мазкур фан олимпиядаси кўтаринки кайфиятда ва талабаларнинг қизиқишлари бўйича ўтказилганлиги ҳам талабалар томонидан билдирилди. Шу сабали юқоридаги ўринни эгалаган талабаларга кейинги босқичига иштирок этишга йўлланма берилди.

**ТИҚХММИ матбуот хизмати**